



# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 8 июнь, шанба

• №45 (11.433)

• Эркин нархда сотилади

## САММИТ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

7 июнь. Санкт-Петербург. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Санкт-Петербургдаги саммити давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда ташкилотни ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Сўнг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Томонлар ташкилот доирасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро алоқалар механизмларини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Музокаралар якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартияси ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида минтақавий анти-

террор тузилмаси ҳақидаги битим имзоланди.

Мазкур маросимдан сўнг президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, ўзаро мулоқотларнинг натижалари, кўрилган масалалар ҳақида сўзлади.

Унда давлатимиз раҳбари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди. Ислоҳ Каримов табиий хом-ашё захираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, энергетика тизимини яратиш ва аэроф-муҳит муҳофазасига эътиборли муносабатда бўлиш - Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири эканини айтди.

Шу билан саммит ниҳоясига етди.

(ЎзА).

2002 йилнинг 7 июнь куни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ўн иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг хотин-қизлар масалалари, ижтимоий масалалар бўйича муовинлари, ҳокимликлар назорат инспекцияси инспекторлари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияни вилоят ҳокими, вилоят Кенгаши раиси Умнат Мирзақулов бошқарди.

Сессияда биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартдаги «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорининг Олмалиқ шаҳри, Тошкент ва Қибрай туманларида хотин-қизлар кўмиталари томонидан бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан 42-Юнусобод сайлов округидан депутат, ЎзХДП Тошкент вилояти кенгашининг биринчи коти-

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

би Сирожиддин Аъзамов маъруза қилди. Уни муҳокама этишда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари Убайдулла Абдуллаев, Тошкент тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мастура Шокирова, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этдилар.

Шундан сўнг депутатлар эътиборига Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ вилоят Кенгаши депутатларининг ўз ваколатларини амалга оширишларида Зангиота, Куйичирчик, Оққўрғон туманлари ҳамда Оҳангарон шаҳри ҳокимликларининг уларга кўмаклашишлари ҳақидаги масала ҳавола этилди. Бу масала юзасидан 27-Ўзгариш сайлов округидан депутат, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг бош муҳаррири Фатҳиддин Муҳиддинов маъруза қилди. Уни муҳокама этишда 34-Олимпент сайлов округида депутат, Оққўрғон тумани ҳокими Абдуғани Дехқонбоев иштирок этди.

Кун тартибидagi учинчи масала - вилоят ҳокимининг 2000-2001 йилларда қабул қилган қарор ва фармойишларининг

жойлардаги ижроси ҳамда давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, вилоят ҳудудий-коммунал бошқармаси, Юқоричирчик, Чиноз, Паркент туманлари ва Янгийўл шаҳри ҳокимлари томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишларнинг қонунийлиги, иш юритиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар ҳақида 14-Трансформаторчилар сайлов округидан депутат, ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгашининг биринчи котиби Дониёр Азизхўжаевнинг маърузаси тингланди. Ушбу масала юзасидан 48-Чиноз сайлов округидан депутат, Чиноз тумани ҳокими Ўткир Абдурахимов ҳам сўз олди.

Шу кўни депутатлар вилоят Кенгашига сайланган айрим сайлов округлари депутатларининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш ҳамда сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга вилоят Кенгаши депутатлари сайловини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Шунингдек, вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган бир қатор қарорларни тасдиқладилар.

Сессияда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.


Ғалла - 2002

## ҒАЛЛА ҲОСИЛИНИ ТЕЗ ЎРИБ-ЯНЧИБ ОЛАЙЛИК ВА НОБУД ҚИЛМАЙ

Вилоятимизда ғалла ўрими бошланди.

Ғалла штабининг кенгайтирилган йиғилишида мавсумни муваффақиятли яқунлаш, даладаги ҳосилни қисқа фурсатда нобудгарчиликсиз ўриб-йиғиб олиш юзасидан амалга ошириладиган асосий вазифалар белгилаб олинди

Дарҳақиқат, вилоятимизнинг деярли ҳамма туман ва ҳўжалиқларида бу йил мўл дон ҳосили етиштиришга эришилди. Тажрибали мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, давлатга дон сотиш режасини қарийб икки ҳисса қилиб қоплайдиган даражада ҳосил пишиб етилди. Аммо, бу - даладагиси. Амалда эса, хирмондагиси ҳисоб бўлади. Демак, пировард натижа ўрим-йиғим ишлари қай даражада тўғри ва оқилона уюштирилишига боғлиқ. Ушбу муҳим масала юзасидан аэрофлича маслаҳатлашиб олиш мақсадида вилоят ғалла шта-



бининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлигининг ғаллачиликка бевосита алоқадор бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, туман

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: ўтган йилги мавсумда вилоятда энг кўп - 891 тонна ғалла ўришга эришган Бекобод туманидаги «Авангард» ширкат хўжалигининг тажрибали комбайнчиси Даврон Эргашев (чапда) ҳамкасби Аҳмадали Қўшиматов билан бу йил ҳам ўримда пешқадамлик қилишмоқда; «Кейс»лар шитоб билан ишга киришди.

Еркибой БОТИРОВ олган суратлар.

Яқинда республикамиз молия бозорида мутлақо янги хизмат тури - Ўзбекистоннинг халқаро "Ўзприватбанк"и тақлиф этаётган MoneyGram тизими бўйича халқаро пул ўтказиш хизмати пайдо бўлди.

## MONEYGRAM — ЎЗБЕКИСТОНДА

"Ўзприватбанк" - Ўзбекистондаги хорижий капитал иштирокида ташкил этилган биринчи банк бўлиб, у SWIFT халқаро тўлов тизимининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Республика молия бозорида саккиз йил мобайнида сифатли хизмат кўрсатиб келатган ушбу банк мижозлар ишончини қозонган.

Банк жаҳон амалиётида қабул қилинган халқаро ҳисоб-китобларнинг барча шакллари бўйича операциялар ўтказиш, қимматли қоғозлар бозорида барча хизмат турларини кўрсатиб, ўз маблағлари ҳисобидан ва хорижий кредит линиялари бўйича миллий ҳамда чет эл валютасида кредитлар беради. Масалан, банк 1998 йилдан буён Германиянинг Кредитанштальд фюр Видерауфбау /KFW/ банки билан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун кредит дастурини амалга ошириш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

М. БОЛЛИЕВА,  
ЎзА мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

**Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичи вазирларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси "2002/2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида" қарор қабул қилди.**

Маркетинг тадқиқотлари асосида иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларининг юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўсиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда магистратурага ҳамда педагог кадрлар тайёрлаш бўйича махсус сиртки бўлимларга қабулни ва мутахассислар тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим муассасалари сони кўпайтирилди.

Умуман олганда ўтган йилга нисбатан қабулнинг миқдо-

рий кўрсаткичлари сезиларли равишда оширилди: булар бакалавриатга 51100, шу жумладан 19900 давлат грантларини; магистратурага 4500, шу жумладан 1400 давлат грантларини ташкил этди. Махсус сиртки бўлимларга қабул 19та олий таълим муассасасида амалга оширилади ва бу 3000, шу жумладан 1200 давлат грантларини ташкил этади.

Тиббиёт, ахборот технологиялари, музика таълим ва шу каби соҳаларда янги таълим йўналишлари ва мутахассис-

ликлар бўйича мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат грантлари ҳисобидан олий маълумот олувчи ёш мутахассисларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида, 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб, талабалар, олий таълим муассасаси ва потенциал иш берувчи ўртасида ихтиёрий асосда ёш мутахассисларни олган таълимга биноан иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисида шартномалар тузиш амалиёти жорий этилади.

Ҳукуматнинг ушбу қарори мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимида ўқитиш сифатини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

# ҒАЛЛА ҲОСИЛИНИ ТЕЗ ВА НОБУД ҚИЛМАЙ ЎРИБ-ЯНЧИБ ОЛАЙЛИК

ҳоқимлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари, тажрибали фермерлар иштирок этдилар. Вилоят ҳокими Умнат МИРЗАҚУЛОВ йиғилишни очар экан, аввало, барча пиллакорларни бу йилги мавсумда эришилган катта меҳнат ютуғи билан табриклади. Ҳақиқатан ҳам бу йил ҳосил мўл бўлди. Ўтган йилга нисбатан 100 тонна кўп қумуш тола етиштирилди.

Давлатга 1060 тоннадан зиёд юқори сифатли хом ашё сотилиб, шартнома режаси анча ортиги билан бажарилди. — Энди асосий масалага ўтсак, — деди вилоят ҳокими. — Ғаллани етиштиридик. Даладаги ҳосилдан кўнгил тўк. Бунинг учун ғаллакорларимизга катта раҳмат. Аммо, ҳаммамиз учун масъулиятли дамлар энди бошланаяпти. Даладаги донни омондорларга ғамлаб олганимиздан сўнггина хотиржам бўлсак ярашади.

Шундан сўнг ғалла ўрим-йиғими учун масъул бўлган ташкилотлар раҳбарларининг ахборотларини тинглашга киришилди.

— Бу йил мавжуд дон комбайнларини ўрим-йиғим мавсумига тайёрлаш масаласига ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор берилди, — деди вилоят «Агротехсервис» ташкилоти раҳбари Усмон ХОЛОВ. — Чунки, ўрим-йиғимда ишатиладиган барча техника воситалари пухта созланмаса, мавсум давомида доннинг анчагина қисми тўкилиб-сочилиб, исроф бўлади.

Ўтган йилги ўрим-йиғим мавсумида 155 та «Кейс» ишлатилган бўлса, бу йил 183 тага етказилди. Бундан ташқари 291 та «Енисей» ва «Нива» комбайнлари ҳам бор. Бироқ улар анча эскирган. Яъни донни кўпроқ тўкиб-сочиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун барча туманлардаги МТПларда алоҳида тайёргарлик кўрилиб, гуруҳлар тузилди. Ҳар бир гуруҳ ўзига биркитилган участкадаги ишнинг сифатига жавоб беради.

Мавсумда комбайнларнинг бирор дақиқа ҳам бекор туриб қолишларига йўл қўймаслик мақсадида 27 та таъмирлаш бригадаси ташкил этилди. Улар кечаю кундуз навбат билан ишлаб, комбайн ва бошқа транспорт воситаларини бузилган жойнинг ўзига бориб тузатади.

Бу йил комбайнчиларга тўланадиган иш ҳақи оширилди. Бундан ташқари уларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилади. Чунки, комбайннинг ҳар

кунги иш натижасига шу куннинг ўзида яқун чиқарилади ва иш ҳақи ҳам аниқланади. Бешкунликлар якунига қараб эса, энг илғор комбайнчилар рағбатлантирилади.

У. Холов хўжалик раҳбарларининг эътиборини яна бир муҳим масалага қаратди. Ўтган йиллар тажрибасидан маълумки, ғалла майдонлари ўримга яхши тайёрланмаса, комбайнларнинг иш унуми пасайишдан ташқари, улар тез-тез бузилиб, ишдан чиқади. Айниқса, ўқариқлар яхшилаб текислаб қўйилмаганлиги сабабли комбайнларнинг айрим қисмлари синиб кетиши ҳоллари кўп учрайди. Шунинг учун ғаллазорларни мавсумга тайёрлаш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Шораҳим РАСУЛОВ ғалла ўрим-йиғими жараёнида ҳамма ерда қатъий тартиб ўрнатиш, тегишли идора ва хизматлар томонидан назоратни кучайтиришга оид фойдали фикр-мулоҳаза ва таклифларни ўртага ташлади. Бу бежиз эмас. Чунки,

ҳар йили ғалла ўрими чоғида талон-тороғ, ўғрилик ва ташмачилик каби жиноий ҳатти-ҳаракатлар ҳам кўплаб содир бўлади.

— Жиноятчиларни жазолаш қонуний ҳол, — деди Ш.Расулов. — Аммо, бизнинг вазифамиз бундай хунук ишларнинг олдини олишдир. Бунинг учун биз тегишли ташкилотларнинг вакиллари томонидан куну тун назорат қилишни қатъий йўлга қўямиз. Жумладан, комбайнларни хўжалиқдан хўжаликка ёки тумандан туманга кўчириш чоғида ўтган мавсумдагидек, бахтсиз оқибатларга олиб келадиган авариялар содир бўлмаслиги учун бу йил комбайнларнинг йўлдаги ҳаракатлари ЙХХХ ходимларининг бевоқиф иштирокида амалга оширилади.

Маълумки, ўрим-йиғим даврида ёнгин чиқиши ҳоллари ҳам учраб туради. Чунки, ўтган йили Оҳангарон туманининг ўзида икки марта ёнгин содир бўлди. Бунинг асосий сабаби ғалласи ўриб олинган майдонларга ўт қўйилишидир. Шунинг учун олиб, бу йилги мавсумда ғаллазорларда

## Огоҳликка даъват

### ХУШЁРЛИК ҲАМ ФАЗИЛАТ

**Навобий давлат кончилиқ муҳандислари институтининг Олмалик кон-металлургия факультети ўқитувчи ва талабалари йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унинг иштирокчилари террорчилик ва диний экстремизмнинг зарарли таъсиридан ёшларни асраш ва огоҳликни кучайтириш долзарб аҳамият касб этаётгани ҳақида гапиришди. Факультет декани Абдурашид Ҳасанов билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси-

нинг биринчи ўринбосари Диёр Алимов эътиборни ватанпарвар ва маънавий баркамол инсонларни тарбиялаш масалаларига қаратишди.

Йиғилиш қатнашчиларида «Иштироб» видеофильми катта таассурот қолдирди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

### ҲАР ПАЙШАНБА САЙЛ

**Қибрай тумани ҳокимлиги «Қарияларни кадрлаш йили» тадбирлар дастури доирасида ибратли бир анъанани бошлади.**

Хушхаво, хушманзара нурунийлар оромгоҳида тумanning шаҳарча ва қишлоқларида узоқ йиллар меҳнат қилган отахон ва онахонлар учун бир кунлик дам олиш сайли уюштирилмоқда. Ҳар

ҳафтанинг пайшанба куни кекса авлод вакиллари йиғилиб, ўтган кунларни эслашади, мустақиллик йиллари ютуқларини сарҳисоб қилишади.

**Ўз мухбиримиз.**

уруғлик керак бўлади. Бизда эса, камида 50 минг тонна тайёрлаш имконияти бор. Фақат сифатига жиддий эътибор бериш лозим. Ана шунда ғаллани ўт босмайди, ҳар хил касалликлар тушмайди.

Хуллас, ғаллага ўроқ тушди. Эндиги вазифа — ҳамма ерда уюшқоқлик ва оммавий сафарбарлиқни таъминлаш. Айниқса, мавжуд комбайнларнинг қувватидан вилоят манфаати йўлида имкон қадар юксак унум билан фойдаланиш чорасини кўриш керак.

Ўтган йили кунига ўртача 15-16 минг тонна дон топшириш таъминланган эди. Бу йил эса комбайнлар анча кўпайтирилиб, кунига 25 минг тонна донни ўриб-янчиш имконияти яратилди. Демак, давлатга 250 минг тоннагача ғалла топшириш шартнома режасини 10-12 кунда бажариш имконияти бор. Бунга эришиш учун ўрим-йиғим иштирокчиларини ҳар томонлама рағбатлантириш лозим. Йиғилишда вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ ҳосилдорликни 60 центнердан оширган туманга «Нексия», 55-60 центнерга етказганга эса, «Тико» автомобили берилиши маълум қилинди. Шунингдек, хўжаликларга ҳам 80 центнердан оширсан «Нексия», 75-80 центнерга етказса «Тико» берилади.

Йиғилишда ғалладан бўшаган майдонларга пешма-пеш такрорий экинлар экишни тартибга солиш ҳақида ҳам жиддий гаплар бўлди. Ерларни талон-тороғ қилмай, хўжалик аъзоларининг ўзига тартиб билан бўлиб бериш, такрорий экинларни экиш ва парвариш қилишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят ғалла штабининг кенгайтирилган йиғилиши айни вақтда қаҳирмонлар бўлиб, бир қатор муаммолар ўз ечимини топди ва навбатдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, вилоятда бу йил ҳар гектар ердан ўртача 50 центнердан ғалла йиғиштириб олиш асосий мақсад эканлиги айtilди. Ғалла ўрим-йиғимининг муваффақиятли яқунланиши ҳамда ғўза парваришидаги қолоқликни тезроқ бартараф этиб, ҳамма ерда мўл ҳосил тўпланишини таъминлаш йиғилишда белгиланган вазифаларнинг қай даражада бажарилишига боғлиқдир.

**Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати»нинг  
махсус мухбири.



(Давоми. Боши 1-бетда).

## ЯПОНИЯГА ЯНГИ ҚАТНОВЛАР

**Тошкентда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ва Япония Фуқаро авиацияси бюроси ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида музокара ўтказилди.**

Унда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" самолётларини Япония пойтахтининг "Нарита" аэропортига парвозини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. "Нарита" дунёнинг энг йирик ва гавжум аэропортларидан саналади. Япония авиация бошқармасидан рухсат олин-

гандан сўнг Ўзбекистон самолётлари Тошкент-Токио-Осака-Тошкент йўналишида парвоз қила бошлайди. Келгусида Токио ва Осака шаҳарларига алоҳида қатновлар уюштириш режалаштирилмоқда.

**Элмурод ЮНУСОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

**Республикамизда "Экосан" жамғармаси томонидан Экология ва саломатлик кунларининг иккинчи босқичи доирасида ташкил этилган санитария, гигиена ҳамда экологик маданият ўн кунлиги бошланди.**

Умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган мазкур ўн кунлик дастурида табиатни ҳимоя қилиш

## ЭКОЛОГИЯ ЎН КУНЛИГИ

тадбирлари мажмуи ҳам кўзда тутилган. Чунончи, шаҳарлар ва аҳоли пунктлари, қатор объектлар ҳудудларининг санитария ҳолатига қўйилган экологик-гигиеник талабларга риоя қилиш устидан жамоат назоратини амалга ошириш йўлга қўйилди. Мактаб ўқувчиларининг шаҳар ва шаҳардан ташқарида жой-

лашган оромгоҳлари, шифоналар, болалар муассасалари, автомобил ҳамда темир йўл бекатлари, аэропортлар, деҳқон бозорлари, оммавий савдо жойлари, айниқса озқовқат савдоси ўтказиладиган жойлар, чиқиндилар сақланадиган майдонлар ҳам назорат қилинмоқда.

**ЎЗА.**

## ҲУНАР ИСТАГАНГА ЭШИКЛАР ОЧИҚ

**Хамдам ака ўғлининг кўлидан иш келиб қолгани, уйларидаги телевизор, радио ва бошқа техника буюмларини ўзича таъмирлаётганидан жуда хурсанд эди.**

Шокиржон бир йил аввал Бекобод шаҳридаги «Тадбиркор аёл» ўқув-ишлаб чиқариш маркази қошидаги телерадио жиҳозларини таъмирлаш курсида билим олиб, амалиётни ўтаб, тажриба орттирди ва бугун мустақил ишлашга ўрганди.

Ушбу ўқув даргоҳи 1999 йили ташкил этилган бўлиб, дастлабки йилиёқ 250 йигит-қиз турли ҳунарларни эгаллаб олди. Чунончи, йигитларга телерадио жиҳозларини таъмирлаш, сартарошлик, қизларга эса каштачилик, қандолатчилик касблари бўйича пухта билимлар берилиб, амалиётда имтиҳондан ўтказилди. Шунингдек, шаҳардаги корхона ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларига ўзбек тилини лотин алифбосида ўқитиш ҳам кенг йўлга қўйилди.

Айни кунда 70 дан зиёд йигит-қиз бу ерда ҳунар ўрганиб, билим олмақда.

— Биз бу марказни ташкил этганимизда, ёшларнинг бошини бириктириш осон бўлмади, — дейди шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси ҳамда ўқув маркази раҳбари Кимё Ҳамидова. — Сабаби, 4-5 йил аввал йигит ва қизлар ўртасида савдо соҳасига ўзини уриш кенг урфга айланиб қолган эди. Шунинг учун уларни марказимизга жалб этиш қийин кечди. Шунга қарамадан тарғибот ишларини тўхтатмадик. Натижа эса ёмон бўлгани йўқ, ташвиқотга эҳтиёж ҳам қолмади. Бозорлардаги савдо-сотик ва бошқа ўтқинчи машғулотлар вақтинчалик эканлигини кўпчилик тушуниб етди. Энди улар бирон-бир ҳунар эгаллаш ёки илм олишга интилишмоқда. Янги ўқув марказида компьютер технологияси сабоқлари курси фаолиятини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган. Бу эса янада кўпроқ ёшлар касб-ҳунар ва илмли бўлишларини таъминлайди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

**«Қадри Назармат ака! Ушбу китобим дўстлигимиз рамзи бўлиб, ҳамда оловли жанглarda она-Ватанни бирга ҳимоя қилган давримиздан эсдалик бўлсин!**

**Вали Фафуров. 17 апрель, 1985 йил.**

Бу дастхатни «Ботирга ўлим йўқ» қиссасига муаллифининг илтимоси билан китоб муҳаррири ёзган. Ушанда Вали Фафуров ўз кўли билан мошдай белги — имзо чекиб, «Қуролдош, ҳамкасб дўстингизни эслаб юрарсиз» дея менга тақдим этганди.

Бугун жанговар дўстим ҳаёт бўлганда саксон ёшлигини нишонлаган бўларди. У фидойи эл фарзанди эди. Ундан жасорат қолди, унутилмас хотиралар қолди.

Иккинчи жаҳон уруши тарихида 1942 йилнинг дастлабки

ойларида Волга бўйидаги шиддатли жанглр асосий ўринни эгаллаганди. Шу ерда босқинчилар тақдирини ҳал этилди. Душман қуршаб олинди, қолганлари чекинишга мажбур бўлди. Бу мисли кўрилмаган даҳшатли оғир жанглarda кўп мингли ўзбекистонлик марди майдонлар ҳам жасорат кўрсатдилар. Шундай баҳодирлардан бири оддий жангчи, тошкентлик йигит Вали Фафуров эди. Шиддатли жанглрнинг бирида унинг ёнида мина портлаб, икки кўздан ажралиб, ногирон бўлиб қолди. Ёвузлар уни кўзларидан айирди, лекин қалбидан айиролмади. У жўшқин, садоқатли қалб кўзи билан она-Ватанини кўрди ва то умри борича унга хизмат қилишга аҳду паймон қилди. Жангоҳлардаги мардлиги, фидойилиги унинг биринчи жасорати бўлса, уруш ногирони бўлиб, уйда бекор

боқиманда бўлишни истамай, босиб ўтган жанговар ҳаёт йўлини қаламга олиб, авлодларга ёзишни ният қилгани, буни ўзининг она-Ватан олдидаги фарзандлик бурчи деб билганлиги иродали касб соҳиби Вали Фафуровнинг иккинчи жасорати эди.

У Ватанига қайтгандан кейин

## ИГНА БИЛАН БИТИЛГАН МЕРОС

ойла қурди, янги, тинч ҳаёт йўлига қадам қўйди. Ўзининг меҳнат-севарлиги, тиришқоқлиги туфайли мураббийлар ёрдамида бриллиант-игна билан ёзиш, ўқини ўрғаниб олди. У урушдан олдин Тошкент Давлат дорилфунунида таҳсил олганлиги, кишлоқ мактабида ўқитувчи бўлганлигини хотирлаб, бадиий ижод йўлида қалам тебратишга ҳаракат қилди. Ўқиган бадиий асарларини, мураббий устозлар таълимини кўнглидан ўтказди ва қурол тутган қўлга қалам-игнани олди. Кишида ирода, истеъдод бўлса, ижод даргоҳи унга ўз эшигини очади. Бу нурли даргоҳ Вали Фафуровни халқимизнинг таниқли қалам соҳиби этиб етиштирди. У 60-йилларда «Вафодор» романини ёзиб, «Шарқ юлдузи» журнаliga олиб борди, таниқли адиб Шухрат таҳрири остида бу асар журналда эълон қилинди. Роман журналхонлар томонидан яхши кўтиб олинди. Та-

### Хотира

ниқли рус адиби Олег Сидельников икки китобдан иборат бўлган бу йирик асарни таржима қилиб нашр эттирди. Романдаги воқеалар, тасвирлар асосида радио ва телевидениеда эшиттиришлар ва кўрсатувлар берилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ҳарбий-ватанпарварлик мавзuida ёзилган асарлар муҳокамаси бўлиб турарди. Бу муҳокамаларга уруш қатнашчилари, атоқли адиблар Мирзакалон Исмоилий, Шухрат, Илём Муслим, Адхам Раҳмат, Ёнғин Мирзо, шунингдек, Вали Фафуров қизи билан бирга келиб турарди. Бундай учрашув, муҳокамаларда доимо бирга эдик.

Вали ака мени яқин дўсти билиб, учрашганимизда узоқ суҳбатлашардик. Ҳаёти, ижодий ишлари ҳақида менга батафсил сўзлаб берарди. Ёнларида юрган қизлари ва болаларини юракдан севишини айтиб, менга секин «ногиронман, болаларимни юзу кўзлари қандайлигини кўролмаман», деб урушнинг оғир оқибатлари ҳақида сўз очарди. Мен «кўзи ожиз буюк Рудакийдек, Николай Островскийдек инсониятга маърифий йўлда хизмат этаяписиз. Бу сиз учун эзгу бахт» дердим. Халқимизнинг баҳодир ватанпарвари, қуролдош дўстим сифатида Вали Фафуровнинг хотирасини ёдга олиб, жасоратли ижодий ишларини ёшларга, китобхонларга сўзлаб беришни доимий бурчим деб биларман.

**НАЗАРМАТ.**

## ҲОСИЛДОР ВА ЧИДАМЛИ

**Кейинги йилларда Ўзбекистон сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти олимлари ўн бештадан кўпроқ янги нави етиштирди. Шундан унга ақини эшишга тавсия этилди.**

— Янги навлар юқори ҳосилдорлиги, маҳсулот сифати, касалликларга чидам-

лилиги билан ажралиб туради, — деди мазкур институтнинг илмий ишлар

бўйича директор ўринбосари А.Аббосов ЎЗА мухбирига. — Масалан, "Наврўз" бодринг навини плёнка остига ҳам, очик ерга ҳам экиш мумкин. Меваси майда, гектарига 30-40 тонна ҳосил беради.

Пилёзнинг "Зафар" нави эса кузда ёки эрта баҳорда экилади. Июль-август ойлари-

да пишиб етилган ҳосил узоқ муддат яхши сақланади. Ҳосилдорлиги гектарига 45-50 тоннага етади. Бундан ташқари, карамнинг "Шаркия", помидорнинг "Авиценна", қовуннинг "Зар гулоби" сингари навлари ҳам юксак маҳсулдорлиги билан ажралиб туради.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун**

**педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан куйидаги касб-ҳунар коллежларининг директорлари лавозимларига танлов эълон қилади:**

1. Бекобод ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежига (Бекобод индустриал техникуми базасида)
2. Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежига (Ангрен техника коллежи базасида)
3. Юқоричирчиқ тумани қурилиш иқтисод касб-ҳунар коллежига (Юқоричирчиқ тумани бизнес мактаби базасида)
4. Олмалик шаҳар қурилиш касб-ҳунар коллежига (Олмалик шаҳар 7-касб-ҳунар мактаби базасида)
5. Зангиота тумани тиббиёт касб-ҳунар коллежига.

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли

- ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.
- Танловда иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**
1. Бошқарма бошлиғи номига ариза.
  2. Тавсиянома
  3. Сўровнома
  4. Таржимаи хол
  5. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг, асл нусхаси
  6. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг, нусхала-

- ри (мавжуд бўлса)
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
  8. 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6та)
  9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Геофизика кўргони. Телефонлар: 66-16-51, 66-09-59.**

## СОВРИН МЕЗБОНДА ҚОЛДИ

**Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғидаги 19-ўрта умумтаълим мактабида «Ўқитувчи—2002» кўрик танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.**



Унда туман мактабларида педагогик маҳорати билан кўзга кўринган ҳамда танловнинг куйи босқичларида голиб чиққан ўқитувчилар иштирок этдилар.

Танлов шартларига кўра мезбон мактаб ўқитувчиси Гулнора Пўлатхўжаева ўз билим ва маҳоратини намойиш этиб, голибликни қўлга киритди ва вилоят финал босқичига йўлланма олди. Голиба ва иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

DUSHANBA 10

**«Ўзбекистон» телеканаллари**  
**Телетомоабиллар диққатига!**  
**Профилактика муносабати билан душанба, 10 июнь куни «Ўзбекистон-1» телеканаллари кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.**  
 15.00 «Тахлилнома».  
 15.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғулари оркестрининг концерти.  
 16.10 «Уй бекаси».  
**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»**  
 16.30 1. «Олтин тож».  
 Телевизион ўйин. 2. «Саргузаштлар асири». Видеофильм. 4-қисм.  
 17.30 ТВ клип.

Карияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».  
 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 23.00 «Ахборот - дайжест».  
 23.20-23.25 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканаллари**  
**Кўрсатувлар дастури.**  
 8.55 Кўрсатувлар дастури.  
 9.00 Давр тонги.  
 10.00 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.  
 10.20 «Мультимоша».  
 10.50 Мусиқий лаҳзалар.  
 11.00 «Давр» ҳафта ичида.  
 11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 13.20 Кўҳна оҳанглар.  
 13.30 Давр-news.  
 13.50 «Бор экан-да, йўқ экан». Телефильм.  
 14.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

15.50 Мусиқий лаҳзалар.  
 16.00 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».  
 16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 18.20 Тв анонс.  
 18.25 Муҳаддас бурч.  
 18.45 Оқшом навалари.  
 18.55, 21.55 Иқлим.  
 19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
 19.35 ТВ-анонс.  
 19.40 Кўҳна оҳанглар.  
 19.50 Ёшлар овози.  
 20.10 Бир ўлка.  
 20.30 Ёшлик навалари.  
 20.50, 21.25, 22.35 Ёшлар.  
 20.55 «Эсмeральда».  
 Телесериал.  
 21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.  
 21.50 Олтин мерос.  
 22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
 22.40 «Муҳаббат қаҳваси».

Телесериал.  
 23.05 «Ёшлар» телеканалларида спорт: Интерфутбол.  
 0.50 «Давр». Ахборот дастури.  
 1.05-1.10 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканаллари**  
 17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
 17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 6-қисм.  
 17.55, 19.10, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.  
 18.15 «Спорт ва болалар».  
 18.30, 20.00, 21.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
 18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».  
 19.30 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.  
 19.50 «Камалак».  
 20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».  
 21.55 «ТВ плюс».  
 22.20 «Пойтахт шарҳи».  
 22.45 Кинонигоҳ. «Азизим,

мен болаларни кичрайтирдим».  
 00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим!  
**«Халқаро» телеканаллари**  
 РЖТ 6.30-8.00  
 16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
 16.05 «Вести».  
 16.25 «Аншлаг».  
 17.15 «Бугун оламда».  
 Ахборот кўрсатуви.  
 17.25 «Мени кутгил».  
 18.20 Катрин Денев ва Филип Нуаре «Африкалик» саргузашт фильмида.  
 20.00 «Время».  
 20.35 «Зайф бўгин». Шоу ўйин.  
 21.25 «Хаётим менинг - севгим менинг». С. Ротару иштирокидаги концерт дастури.  
 23.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.  
 00.55 «Ахборот» (рус

тилида)  
 1.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-й канал**  
 До 16.55 **профилактические работы**  
 17.00 Программа передач  
 17.05 Документальное кино на 30-м: «Человек и море»  
 17.40 «Теле-хамкор»  
 18.05 «Что сказал покойник», сериал  
 19.00 Киновечер на 30-м: «Свет звезды», фантастика  
 20.35 «Теле-хамкор»  
 21.00 «Спокойной ночи, малыши!»  
 21.15 «Ошикона», музыкальная передача  
 21.30 Киновечер на 30-м: «Мелочевка», комедия  
 23.15 «Скорая помощь», телесериал  
 00.00 Спорт в полночь  
 00.55 Программа передач

SESHANBA 11

**«Ўзбекистон» телеканаллари**  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 8.00 - 8.35 «Ахборот».  
 8.35, 17.55 ТВ маркет.  
 8.40 Газеталар шарҳи.  
 9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
 9.40 «Соғлом она - соғлом бола».  
 10.00, 12.00, 18.00 Янгиликлар  
 10.05 «Мулк».  
 10.20 «Гугуртга кетиб».  
 Бадий фильм.  
 11.50 ТВ клип.  
 12.05 «Париси бор уй».  
 12.35, 13.35 ТВ анонс.  
 12.40 «Ёшлар ва мусиқа».  
 13.10 «23.5 даражали бурнак остида».  
 Телесериал премьераси.  
 83-қисм.  
 13.40 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.

21.55 «Осори-атикаларимиз».  
**«Спорт» дастури:**  
 22.25 От спорти бўйича жаҳон кубоги.  
 22.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 23.10 «Ахборот - дайжест».  
 23.30-23.35 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканаллари**  
**Кўрсатувлар дастури.**  
 8.55 Кўрсатувлар дастури.  
 9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
 9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».  
 9.45 «Мультимоша».  
 10.00 Бизнес-академия.  
 10.15 «Эсмeральда».  
 Телесериал.  
 10.45 Мусиқий лаҳзалар.  
 10.50 Ёшлар овози.  
 11.10 Аскар мактублари.  
 11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 13.20 Кўҳна оҳанглар.  
 13.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

15.10 Мусиқий лаҳзалар.  
 15.20 Азизим.  
 15.55 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Хар соҳага саёҳат».  
 16.25 Ўзбек мумтоз мусикасидан.  
 16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 18.20 Автопатруль.  
 18.35 Сифат белгиси.  
 18.45 Оқшом навалари.  
 18.55, 21.55 Иқлим.  
 19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
 19.35 ТВ-анонс.  
 19.40 Давр-интервью.  
 19.55 «Илдиз ва япроқ».  
 20.15 Марди майдон.  
 20.35 Муҳаббат қўшиқлари.  
 20.50, 21.25, 22.35 Ёшлар.  
 20.55 «Эсмeральда».  
 Телесериал.  
 21.30 Ёшлар овози.  
 21.50 Олтин мерос.  
 22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
 22.40 «Муҳаббат қаҳваси».  
 Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телеканалларида спорт: Интерфутбол.  
 00.50 «Давр». Ахборот дастури.  
 1.05 - 1.10 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканаллари**  
 17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
 17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 7-қисм.  
 17.55, 19.20, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.  
 18.15 «Шаҳримиз дурдоналари».  
 18.30, 20.00, 21.15, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
 18.50 «Бир қўшиқ тарихи».  
 «Салламно».  
 19.40 «Суҳбатдош».  
 19.55 «Жозоба».  
 20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».  
 21.55 «Туризм ҳақида».  
 22.50 Кинонигоҳ. «Азизим, мен болаларни катталаштирдим».  
 00.10-00.15 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Халқаро» телеканаллари**  
 РЖТ 6.30-8.00  
 16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
 16.05 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.  
 20.00 «Время».  
 20.35 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.  
 21.25 «ТВ-4да Немис тўлкини».  
 22.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
 22.15 «Оилавий ришталар».  
 Сериал.  
 23.10 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.  
 00.50 «Ахборот» (рус тилида)  
 1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-й канал**  
 09.00 Программа передач  
 09.05 «Теле-хамкор»  
 09.30 Детский час  
 10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ»,

сериал  
 10.50 «Мир боевых искусств», спортивная передача  
 11.20 «Чертенюк», телесериал  
 12.10 «Шофер на один рейс», 1 серия  
 13.40 «Майами Сендс», телесериал  
 14.25 Детский час  
 15.10 Дневной кинозал: «Предлагаю руку и сердце», драма  
 16.50 «Футурама», мультсериал  
 17.15 Документальное кино на 30-м: «Таймслот»  
 17.40 «Теле-хамкор»  
 18.00 «Что сказал покойник», сериал  
 19.00 Киновечер на 30-м: «За несколько паршивых долларов», боевик  
 20.35 «Теле-хамкор»  
 21.00 «Спокойной ночи, малыши!»  
 21.15 «Ошикона», музыкальная передача  
 21.30 Киновечер на 30-м: «Соучастники», драма  
 23.15 «Скорая помощь», телесериал  
 00.00 Спорт в полночь  
 00.55 Программа передач

CHORSHANBA 12

**«Ўзбекистон» телеканаллари**  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 8.00 - 8.35 «Ахборот».  
 8.35, 17.55 ТВ маркет.  
 8.40 Газеталар шарҳи.  
 9.00 «Ўзбекетелефильм» на мойиши: «Ўзбекистон маркаси».  
 9.10 «Осори-атикаларимиз».  
 9.40 «Оламга саёҳат». Киноқўрсатув.  
 10.00, 12.00, 18.00 Янгиликлар  
 10.05 Алифбо сабоқлари.  
 10.25 «Бошсиз чавандоз».  
 Бадий фильм.  
 11.55, 12.25, 13.35 ТВ анонс.  
 12.05 «Баркамол авлод орзуси».  
 12.30 «Бу ажиб фасл».  
 Телеальманах.  
 12.55 ТВ клип.  
 13.05 «Ошин». Телесериал.

21.25 «Кўшигимиз Сизга армуғон».  
 21.50 «Ўзбекистон» каналларида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
 22.20 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 22.35 «ТВ-клуб».  
 23.00 «Ахборот - дайжест».  
 23.20-23.25 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканаллари**  
**Кўрсатувлар дастури.**  
 8.55 Кўрсатувлар дастури.  
 9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
 9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Хар соҳага саёҳат».  
 9.45 «Мультимоша».  
 10.00 Давр-интервью.  
 10.15 Мусиқий лаҳзалар.  
 10.25 «Эсмeральда».  
 Телесериал.  
 10.55 Ёшлар овози.  
 11.15 Автопатруль.  
 11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 13.20 Кўҳна оҳанглар.

13.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 15.10 «Буёқ ипак йўли. Нурота». Телефильм.  
 15.30 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».  
 15.50 Уйна, болажон, ўйна.  
 16.05 Таянч.  
 16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 18.20 ТВ-анонс.  
 18.25 Оқшом навалари.  
 18.40 Каталог.  
 18.50 Олтин мерос.  
 18.55, 21.55 Иқлим.  
 19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
 19.35 ТВ-анонс.  
 20.00 Спорт-лото.  
 20.10 Очил дастурхон.  
 20.25 Ёшлик навалари.  
 20.45, 21.20, 22.35 Ёшлар.  
 20.50 «Эсмeральда».  
 Телесериал.  
 21.25 Ёшлар овози.  
 21.45 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
 23.05 «Ёшлар» телеканалларида спорт: Интерфутбол.  
 00.50 «Давр». Ахборот дастури.  
 1.05-1.10 Хайрли тун!  
**«Тошкент» телеканаллари**  
 17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
 17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 8-қисм.  
 17.55, 19.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.  
 18.15 Болаларнинг экранлари.  
 18.30, 20.00, 22.00, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
 18.50 «Мусиқий меҳмонхона».  
 19.30 «Санъатга бахшида умр». Ф. Раҳматова.  
 20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».  
 21.15 «Дорихона эшитиди». Бевосита мулоқот.  
 23.05 Кинонигоҳ. «Оқ фотиха».  
 00.15-00.20 Хайрли тун,

шаҳрим!  
**«Халқаро» телеканаллари**  
 16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
 16.05 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.  
 20.00 «Время».  
 20.30 «Балиқ овининг миллий хусусиятлари».  
 Кинокомедия.  
 22.25 «Италия ҳақида ҳикоялар».  
 23.05 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.  
 00.45 «Ахборот» (рус тилида)  
 1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-й канал**  
 09.00 Программа передач  
 09.05 «Теле-хамкор»  
 09.30 Детский час  
 10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ»,  
 10.50 «Яхши кайфият», музыкально-развлекательная

программа  
 11.20 «Чертенюк», телесериал  
 12.10 «Шофер на один рейс», 2 серия  
 13.40 «Майами Сендс», телесериал  
 14.25 Детский час  
 15.10 Дневной кинозал: «Загадочный наследник», драма, 1 серия  
 16.50 «Футурама», мультсериал  
 17.15 «Путешествие для гурмана», научно-популярный сериал  
 17.40 «Теле-хамкор»  
 18.00 «Что сказал покойник», сериал  
 19.00 Киновечер на 30-м: «За последней чертой», триллер  
 20.35 «Теле-хамкор»  
 21.00 «Спокойной ночи, малыши!»  
 21.15 «Ошикона», музыкальная передача  
 21.30 Индийское кино: «Родственные узы»  
 00.00 Спорт в полночь  
 00.55 Программа передач

PAVSHANBA 13

**«Ўзбекистон» телеканаллари**  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 8.00-8.35 «Ахборот».  
 8.35, 17.55 ТВ маркет.  
 8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
 9.00 1. «Саргузаштлар асири». Видеофильм. 6-қисм.  
 2. «Кувноқ шахарча». Телемусобақа.  
 10.00, 12.00, 18.00 Янгиликлар  
 10.05 «Мулк».  
 10.20 «Товус малика».  
 Бадий фильм.  
 11.50, 13.30 ТВ клип.  
 12.05 «Ажаб саодат эрур».  
 Бадий-публицистик кўрсатув.  
 12.25, 12.55, 16.40 ТВ анонс.  
 12.30 «Ўзбекистон -

Ватаним маним».  
 13.00 «Ошин». Телесериал.  
 13.40 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.  
 16.00 «Депутат».  
 16.20 «Талабалик йилларим».  
 16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.  
**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси».**  
 17.00 1. «Санъат гунчалари». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.  
 18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
 18.30 «Яхши ният». Телелоторея.

19.05 «Инсон ва қонун».  
 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Ёшлар.  
 19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
 20.00 Оқшом эртақлари.  
 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
 20.30 «Ахборот».  
 21.05 «Телемулоқот».  
 Саволларга Давлат тест маркази ходимлари жавоб берадилар.  
 21.35 «Аския кечаси».  
 22.05 «Рухият манзаралари».  
 22.35 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 22.50 «Кавингтон Кросс». Телесериал.  
 23.40 «Ахборот-дайжест».  
 24.00-00.05 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканаллари**  
**Кўрсатувлар дастури.**  
 8.55 Кўрсатувлар дастури.  
 9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
 9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».  
 9.35 Сийрат.  
 9.55 Таянч.  
 10.20, «Эсмeральда».  
 Телесериал.  
 10.50 Ёшлар овози.

11.10 Тафаккур ёлқинлари.  
 11.25 Мусиқий лаҳзалар.  
 11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 13.20 Кўҳна оҳанглар.  
 13.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 15.10 Мусиқий лаҳзалар.  
 15.15 Саломат бўлинг.  
 15.45 Сифат белгиси.  
 15.55 «Янги авлод» студияси:  
 16.15 Огоҳ.

16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
 16.05 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.  
 20.00 «Время».  
 20.30 «Балиқ овининг миллий хусусиятлари».  
 Кинокомедия.  
 22.25 «Италия ҳақида ҳикоялар».  
 23.05 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.  
 00.45 «Ахборот» (рус тилида)  
 1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-й канал**  
 09.00 Программа передач  
 09.05 «Теле-хамкор»  
 09.30 Детский час  
 10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ»,  
 10.50 «Яхши кайфият», музыкально-развлекательная

16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
 18.20 ТВ-анонс.  
 18.25 Табат оламида.  
 18.45 Оқшом навалари.  
 18.55, 21.55 Иқлим.  
 19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
 19.35 ТВ-анонс.  
 19.40 Давр-интервью.  
 19.55 Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этади: «Илк туйғу» видеофильми. 1-қисм.  
 20.20 Мезон.  
 20.40 Ёшлик

кўшиқлари.  
20.50, 21.25, 22.35  
Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».  
Телесериал.  
23.05 «Ёшлар»  
телеканалда спорт:  
Интерфутбол.  
00.50 «Давр». Ахборот  
дастури.

1.05- 1.10 Хайрли тун!  
**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал  
«Оффисна баридан чиққан  
фирибгарлар». 9-қисм.  
17.55, 19.15, 21.35  
«Экспресс» телегазетаси.  
18.15 Болажонлар экрани.  
18.30, 20.00, 21.15, 21.55  
«Пойтахт». Ахборот  
дастури.  
18.50 «Камолот фасли».

19.35 «Этиқод».  
19.50 Мусиқий лаҳзалар.  
20.30 ТТВда сериал:  
«Бибилиска пул».  
22.20 Кинонигоҳ «Муҳаббат  
барини кечиради».  
23.45-23.50 Хайрли тун,  
шаҳрим!  
**«Халқаро»  
телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 Теннис бўйича  
«Тошкент оупен» халқаро

турнири.  
20.00 «Время».  
20.35 «Рус рулеткаси».  
21.25 «Ойлавий ришталар».  
Сериал.  
22.25 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз  
тилида)  
22.35 «Футбол кундалиги».  
23.00 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати.  
00.40 «Ахборот» (рус  
тилида)

1.10 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-й канал**  
09.00 Программа передач  
09.05 «Теле-хамкор»  
09.30 Детский час  
10.25 «Таинственные  
рыцари ТИР НА НОГ».  
сериал  
10.50 «Яхши кайфият»  
музыкально-  
развлекательная  
программа  
11.20 «Чертенюк»  
телесериал

12.10 «Эскадрон гусар  
летучки». муз.фильм, 1  
серия  
13.40 «Майами Сендр»  
телесериал  
14.25 «Детский час»  
15.10 Дневной киносаунд:  
«Загадочный наследник»  
2 серия  
16.50 «Симпсоны»  
мультсериал  
17.15 «Кино, кино, кино»  
17.40 «Теле-хамкор»  
18.00 «Что сказал  
покойник», сериал

19.00 Киновечер на 30-м.  
«Леги - терминатор».  
Боевик  
20.35 «Теле-хамкор»  
21.00 «Спокойной ночи,  
малыши!»  
21.15 «Ошикона»  
музыкальная передача  
21.30 Киновечер на 30-м:  
«Защита Лужина»  
экранизация  
23.15 «Скорая помощь»  
телесериал  
00.00 Спорт в полночь  
00.55 Программа передач

**JUMA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканал**  
6.00 «Ассалом,  
Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида:**  
**«Болалар сайёраси».**  
9.00 1. «Санъат  
ғунчалари». 2. «Бешбар-  
моқ». Тележурнал.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00  
Янгиликлар  
10.05 «Унутмас мени  
боғим».  
10.25 «Вена почта  
маркаси». Бадий  
фильм.  
12.05 «Ўзбекистон : XXI  
аср ёшлари».  
12.25, 13.55 ТВ анонс.  
12.30 «Китоб  
жавонингизга».  
12.50 ТВ клип.  
13.00 «Олам».

14  
Телеальманах.  
13.35 «Ўзбек спорти  
одимлари».  
14.10 «Йиллар ва йўллар».  
**Ёзги таътил кунларида:**  
**«Болалар сайёраси».**  
14.30 «Уйла, изла, топ».  
Телемусобақа.  
15.10 Теннис бўйича  
«Тошкент оупен» халқаро  
турнири.  
18.10 «Тафсилот».  
18.25 «Омад кувончи».  
Телелотерея.  
19.05 «Зиё» студияси  
намойиш этади: «Этиқод  
мустаҳкамлиги йўлида».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00  
Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус  
тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Тиббиёт одимлари».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Азиз одамлар». Дам  
олиш дастури.  
21.50 «Соғлом она - соғлом  
бола».  
22.10 «Ўзбекистон»

каналида илк маротаба:  
«Ошин». Телесериал  
премьераси.  
22.40 «Бу ажиб фасл».  
Телеальманах.  
23.00 «Олтин бешик».  
23.25 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
23.40 «Ахборот - дайжест».  
24.00-00.05 Ватан  
тимсоллари.  
**«Ёшлар»  
телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси.  
9.35 Уйна, болажон, ўйна.  
9.50 Давр-интервью.  
10.05 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
10.35 Мезон.  
10.55 Мусиқий лаҳзалар.  
11.10 Ёшлар овози.  
11.30 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
13.20 Кўна оханглар.  
13.30 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.

15.10 Мусиқий лаҳзалар.  
15.20 Оддий одамлар.  
15.40 «Янги авлод»  
студияси: «Спорт  
майдончаси», «Хамма  
нарсани билишни  
истайман».  
16.10 Бир ўлкаси.  
16.30 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
18.20 ТВ-анонс.  
18.25 Аскар мактублари.  
18.45 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Кўна оханглар.  
19.50 «Илк туйғу»  
видеофильми. 2-қисм.  
20.15 Аср қиёфаси.  
20.35 «Ёр ишчи». Мусиқий  
дастур.  
20.50, 21.15, 22.35  
Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».  
Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда  
спорт: Интерфутбол.  
00.50 «Давр». Ахборот  
дастури.  
1.05 -1.10 Хайрли тун!  
**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал  
«Оффисна баридан чиққан  
фирибгарлар». 10-қисм.  
17.55, 19.15, 21.35  
«Экспресс» телегазетаси.  
18.15 Болажонлар экрани.  
18.30, 20.00, 21.15, 22.10  
«Пойтахт». Ахборот  
дастури.  
18.50 ТТВда сериал: «Бу  
хам кино». 18-қисм.  
19.35 «Кўркам ўлкам».  
19.50 Мусиқий танаффус.  
20.30 ТТВда сериал:  
«Бибилиска пул».  
21.55 «Саломатлик  
маскани».  
22.35 Кинонигоҳ «Кулгу  
ишқибозлари».

00.05-00.10 Хайрли тун,  
шаҳрим!  
**«Халқаро»  
телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Аншлаг». Волгада  
«Кулги кечаси».  
20.00 «Время».  
20.35 «Кун мавзуси».  
20.50 «Ойлавий ришталар».  
Сериал.  
21.45 «Дурдардан».  
22.10 «Футбол кундалиги».  
22.35 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати.  
00.15 «Ахборот» (рус  
тилида)  
00.45 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-й канал**  
09.00 Программа передач  
09.05 Детский час  
09.30 Детский час  
10.25 «Таинственные  
рыцари ТИР НА НОГ»  
телесериал  
10.50 «Сухбатдош».

развлекательная  
программа  
11.20 «Чертенюк»  
телесериал  
12.10 «Эскадрон гусар  
летучки», 2 серия  
13.40 «Майами Сендр»  
телесериал  
14.25 Детский час  
15.10 Дневной кинозал:  
«Пари из Шаолина»  
Боевик  
16.50 «Симпсоны»  
мультсериал  
17.15 «Очевидец»  
документальный сериал  
17.40 «Теле-хамкор»  
18.00 «Что сказал  
покойник», сериал  
19.00 Киновечер на 30-м:  
«Кровь и вино», триллер  
20.35 «Теле-хамкор»  
21.00 «Спокойной ночи,  
малыши!»  
21.15 «Ошикона»  
музыкальная передача  
21.30 Киновечер на 30-м:  
«Макаров», драма  
23.15 «Скорая помощь»  
телесериал  
00.00 Спорт полночь  
00.55 Программа передач

**SHANBA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканал**  
6.00 «Ассалом,  
Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида:**  
**«Болалар сайёраси».**  
9.00 «Уйла, Изла, Топ».  
Телемусобақа.  
9.40 «Зиё» студияси  
намойиш этади:  
«Этиқод мустаҳкамлиги  
йўлида».  
10.00 «Дунё эшиклари  
очилди бизга».  
10.20 «Санъатга бахшида  
умр». Ф. Аҳмедов.  
10.50 ТВ-1 кинотеатри:  
«Онегин». Бадий фильм.  
12.20 ТВ клип.  
12.30 «Бу қадим  
йўлларда».  
12.45 «Ягона оилада».  
13.15 «Интерклуб».  
13.55 ТВ анонс.  
14.00 «Маърифат».  
Телеальманах.  
**Ёзги таътил кунларида:**

15  
**«Болалар сайёраси».**  
14.20 «Мўъжизалар  
майдончаси». Телешоу.  
15.10 Теннис бўйича  
«Тошкент оупен» халқаро  
турнири.  
18.00 «Митивойлар оиласи».  
18.25 «Сихат-саломатлик».  
18.45 «Бадий кенгашдан  
сўнг».  
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00  
Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус  
тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз  
тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Обод уйда пок  
одамлар яшайди».  
21.25 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
21.40 «Шанба оқшомида».  
**«Тунги ёғду». Дам олиш  
дастури.**  
22.10 «ТВ альманах».  
22.30 «Ахборот-дайжест».  
22.50 «Ўзбекистон»

каналида илк маротаба:  
«Ширин орзулар». Бадий  
фильм.  
00.30-00.35 Ватан  
тимсоллари.  
**«Ёшлар»  
телеканал**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
9.00 «Янги авлод» студияси:  
«Спорт майдончаси»,  
«Хамма нарсани билишни  
истайман».  
9.30 Табобат оламида.  
9.50 Мусиқий лаҳзалар.  
10.00 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
10.30 Аср қиёфаси.  
10.50 Ёшлар овози.  
11.10 Огоҳ.  
11.25 Мусиқий лаҳзалар.  
11.30 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
13.20 Кўна оханглар.  
13.30 «Саргардон руҳ».  
Бадий фильм.  
15.00 Кўшқулқ.  
15.15 «Рамаана».  
Телесериал.  
15.50 «Янги авлод»  
студияси: «Катта  
танаффус».  
16.15 «Мультмоша».

16.30 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
18.20 ТВ-анонс.  
18.25 Саломатлик сирлари.  
18.45 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Каталог.  
19.50 Кўна оханглар.  
19.55 Давр-интервью.  
20.10 Ёшлик кўшиқлари.  
20.30 Кутилмаган меҳмон.  
20.50, 21.45, 22.35  
Эълонлар  
20.55 «Жюли Леско».  
Бадий фильм. 9-қисм.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
22.40 Тунги тароналар.  
22.50 Кинотақдим.  
23.10 «Ёшлар»  
телеканалда премьераси:  
«Гирдоб». Бадий фильм.  
00.40-00.45 Хайрли тун!  
**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Мультчархпалак».  
17.40 «Жаҳон географияси».  
18.40, 20.20, 21.50

«Экспресс» телегазетаси.  
19.00 «Хусусийлаштириш:  
қадам-бақадам».  
19.20 «Мисли гаҳар».  
19.35 «Ташриф».  
19.55 ТТВда сериал: «Бу  
хам кино». 19-қисм.  
20.40 «Нима учун?»  
21.10 «Табриклаймиз-  
кутлаймиз».  
22.10 «Хамшаҳарлар»  
таклиф этади: «Менинг  
маҳаллам» шоуси.  
23.10 Кинонигоҳ «Аёллар  
нима истайди?»  
1.00-1.05 Хайрли тун,  
шаҳрим!  
**«Халқаро»  
телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».  
9.10 «Лаззат».  
9.25 «Катта футбол». Ток-  
шоу.  
10.00 «Сихат-саломатлик».  
10.40 «CFI янгиликлари».  
10.50 «Инглиз тили Сиз  
учун».  
11.00 «Фан-тайм».  
11.10 «Лего-ленд». Шоу  
дастур.  
11.40 CFI тақдим этади:  
«Қирол ва қуш».

Мультфильм.  
13.00 Дўстлик видеоканали:  
«Умид», «Чинсан», «Бизнен  
мирас».  
14.00-14.30 «Немис тили».  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Бинафш».  
16.20 А. Малинин «Ўнинчи  
бал» концерт дастурида.  
17.00 Янгиликлар  
17.15 А. Малинин «Ўнинчи  
бал» концерт дастурида  
(давоми)  
18.05 Теннис бўйича  
«Тошкент оупен» халқаро  
турнири.  
20.00 «Время».  
20.30 «Нима? Қаерда?  
Қачон?» Финал ўйини.  
21.50 «7 дан 70 гача».  
22.20 «Ассалом Франция!»  
22.35 «Мозик холл».  
22.50 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати.  
00.30 Ахборот (рус тилида)  
1.00 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-й канал**  
09.00 Программа передач  
09.05 «Теле-хамкор»

09.30 «Принцесса Сиси»  
мультсериал  
10.00 Фильм детям:  
«Рыжий, честный,  
влюбленный», 1 серия  
11.30 «Веселая семейка  
Твист», сериал  
12.00 Семейное кино:  
«Карнавал», муз.фильм,  
1 серия  
13.40 «Баффи»  
телесериал  
14.30 Индийское кино:  
«Чандрамукхи»  
16.40 «Скрытой камерой»  
юмористическая  
программа  
17.00 «Своя игра»  
телешоу  
17.45 «Теле-хамкор»  
18.10 Киновечер на 30-м:  
«Вор», драма  
19.50 «Ошикона»  
музыкальная передача  
20.00 «Вовочка»  
юмористический сериал  
20.30 «Теле-хамкор»  
21.00 Час детектива на  
30-м  
21.45 Киновечер на 30-м:  
«Беги, Лола, беги»  
триллер  
23.30 Музыкальная  
программа - Майкл  
Джексон  
00.45 Программа передач

**YAK SHANBA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканал**  
6.00 «Ассалом,  
Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак». Болалар  
учун кинодастур.  
9.10 «Ғаройибот».  
9.30 «Балиқчи ва олтин  
балиқ ҳақида эртақ».  
Мультфильм.  
10.00 «Ватанимга хизмат  
қиламан».  
11.00 «Она меҳри».  
11.20 «Қувноқ стартлар».  
Телемусобақа.  
11.55, 12.50 ТВ анонс.  
**Ёзги таътил кунларида:**  
**«Болалар сайёраси»:**  
12.00 «Мўъжизалар  
майдончаси». Телешоу.  
12.55 «Футбол-шоу».  
13.30 ТВ-1 кинотеатри:  
«Замонлар оша-2».  
Бадий фильм.  
15.20 «Қалб гавҳари».  
15.40 Футбол бўйича

Ўзбекистон чемпионати.  
«Насаф» - «Пахтакор».  
16.30 ТВ клип.  
16.40 «Рангин дунё».  
17.00 «Оқ олтин».  
Телелотерея.  
**Ёзги таътил кунларида:**  
**«Болалар сайёраси»:**  
17.40 1. «Улғайиш  
погоналари». 2. «Олтин  
тож». Телевизион ўйин.  
18.45 «Талабалик  
йилфильм».  
19.05 «Туртинчи хокимият».  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10  
Эълонлар  
19.30 «Тахлилнома» (рус  
тилида)  
20.05 Эстрада тароналари.  
20.30 «Тахлилнома».  
21.15 Теннис бўйича  
«Тошкент оупен» халқаро  
турнирнинг финал  
учрашуви ва тантанали  
ёпилиши (Езиб олинган)  
22.45 «Кино оламида».  
23.05 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
**«Якшанба кинозали»:**

23.20 «Ўзбекистон»  
каналида илк маротаба:  
«Сен борсан». Бадий  
фильм.  
00.50-00.55 Ватан  
тимсоллари.  
**«Ёшлар»  
телеканал**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
9.00 «Янги авлод» студияси:  
«Уй вазифаси», Болалар  
клуби.  
9.45 «Кулпуннинг тузилган  
куни», «Фил учун соғва».  
Мультфильмлар.  
10.20 Давр-интервью.  
10.35 Мусиқий лаҳзалар.  
10.45 «Зинама-зина».  
11.15 Очил дастурхон.  
11.30 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
13.20 Кўна оханглар.  
13.30 «Ўнинчи сайёра»  
маърифий дастури.  
14.20 «Ёшлар»  
телеканалда ҳарбий-  
ватанпарварлик дастури:  
1. Марди майдон. 2.  
Аскар мактублари.  
15.00 «Рамаана».  
Телесериал.

15.35 Очун.  
15.55 «Янги авлод»  
студияси: «Ким эгчил-у?  
Ким чақон?»  
16.20 Мусиқий лаҳзалар.  
16.30 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
18.20 ТВ-анонс.  
18.25 Яшанбада  
кўришгунча.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр»-news.  
19.20 Синфдош.  
19.45 Аёл қалби наволари.  
20.05, 20.55, 22.30  
Эълонлар  
20.10 «Жюли Леско».  
Бадий фильм. 10-қисм.  
21.00 «Заковат»  
интеллектуал ўйини.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр ҳафта ичида».  
22.35 Тунги тароналар.  
22.45 «Ёшлар»  
телеканалда премьераси:  
«Виждон амри». Бадий  
фильм.  
00.10-00.15 Хайрли тун!  
**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 «Эртақларнинг сирли  
олами».  
19.00, 21.50, 22.40  
«Экспресс» телегазетаси.  
19.20 «Жаҳон географияси».  
20.20 «Табриклаймиз-  
кутлаймиз».  
21.00 «Пойтахт шарҳи».  
21.25 ТТВда сериал: «Бу  
хам кино». 20-қисм.  
22.10 «Телефакт».  
22.20 «Спорт-клуб».  
23.00 Кинонигоҳ «Буйдоқ».  
00.30-00.35 Хайрли тун,  
шаҳрим!  
**«Халқаро»  
телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».  
9.15 «Саёхатчилар клуби».  
9.55 «Биз анойи эмасмиз».  
Ҳажвий кўрсатува.  
10.25 «Кайфият»  
Информацион дам олиш  
дастури.  
11.55 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз  
тилида)  
12.05 «Парле ву франс?»  
12.30 «Хусусийлаштириш:  
қадам-бақадам».  
12.50 Болалар соати.

«Пўлат қаҳрамон».  
Мультфильм.  
14.20-15.20 «Дўстлик»  
видеоканали:  
«Рангинкамон», «Дидар».  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 CFI тақдим этади:  
«Бешикчи ўлғов».  
16.30 «Ҳикоя».  
16.50 «Лего-ленд». Болалар  
учун шоу ўйин.  
17.20 А. Розенбаум, Л.  
Долина, Н. Басков ва  
бошқалар «Истеъдод»  
мухофотининг тақдимот  
маросими.  
18.55 «Ўлғон». Бадий  
фильм.  
21.30 «7 кун». Ҳафта  
яқунлари.  
21.55 «Тенгдошлар».  
22.25 «Олтин микрофон».  
Мусиқий дастур.  
22.50 «Кинопрофи».  
23.10 «Футбол кундалиги».  
23.35 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати.  
1.15 «Тахлилнома».  
1.50 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»

**30-й канал**  
09.00 Программа передач  
09.05 «Теле-хамкор»  
09.30 «Принцесса Сиси»  
мультсериал  
10.00 Фильм детям:  
«Рыжий, честный,  
влюбленный», 2 серия  
11.30 «Теле-хамкор»  
12.00 Семейное кино:  
«Карнавал», 2 серия  
13.40 «Баффи»  
телесериал  
14.30 Дневной кинозал:  
«Каратистка»  
приключения  
16.10 Интересные  
встречи на 30-м -  
Ф.Газманов  
17.00 «Своя игра»  
телешоу  
17.45 «Теле-хамкор»  
18.10 Киновечер на 30-м:  
«Условный рефлекс»  
драма  
19.50 «Ошикона»  
музыкальная передача  
20.00 «Агентство»  
юмористический сериал  
20.30 «Теле-хамкор»  
21.00 Час детектива на  
30-м  
21.45 Воскресный  
киновечер на «30-м»:  
«Готти», драма  
00.00 Программа передач

# ЎСМИР БАЛОҒАТ АРАФАСИДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Иқтисодиёт институти, «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази вакиллари, шунингдек, ўрта махсус билим юртарининг маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарлари иштирок этдилар.

Семинарда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда ҳар тарафлама соғлом ва етук авлодни тарбиялаб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган ўнлаб қонунлар ҳамда ратификация этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар замирида ҳам соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш вазифаси ўз ифодасини топган.

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда «Ўзбекистонда демографик ривожланишнинг долзарб муаммолари» мавзuidaги илмий семинарда ёшлар тарбияси, баркамол авлодни вояга етказиш масалалари муҳокама этилди.**

Ундан ташқари «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бир қатор вазирлик, ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда йигит-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёшларни гиёҳвандлик, ОИТС, ичкиликбозлик ва қашандалик каби иллатлардан асраш мақсадида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Шунингдек, тадбир давомида айрим ўқув масканларида амалга оширилаётган ишлар самараси сезилмаётгани, ўтказилаётган кўпгина тадбирлар, белгиланаёт-

ган режалар қозғаларда қолаётгани ҳақида кескин фикрлар билдирилди.

Ундан ташқари ўсмирларни ҳар тарафлама ҳаётга тайёрлаш масалалари баъзи ўқув юртарларида ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, ота-оналар, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликлар тўла йўлга қўйилмаганлиги, чора-тадбирларнинг натижаси эса камроқ кўзга ташланаётгани таъкидлаб ўтилди.

Семинарда ушбу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштириш, бу жараёнда оила, таълим муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкентда «Оилавий тиббиёт – ҳамширалари фаолиятини ташкил этиш» мавзuida ўқув семинарини ўтказди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган тиббиёт ҳамширалари иштирок этди.



## Оилавий ҳамшира қандай бўлиши керак?

Семинарда таъкидланганидек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш янги тиббий ходим – оилавий ҳамширанинг пайдо бўлишига олиб келди. Оилавий ҳамшира қандай бўлиши керак? Унинг вазифалари нималардан иборат? Семинарда ана шу саволлар муҳокама этилди.

ЎЗА.

# АНГРЕН АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

2002-2003 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилишни бошлади

**Академик лицейда қуйидаги йўналишлар мавжуд:**

1. Ижтимоий фанлар
2. Аниқ фанлар
3. Табиий фанлар
4. Хорижий филология

Ижтимоий фанлар йўналишига келажакда фалсафа, тарих, сиёсатшунослик, юриспруденция, ҳуқуқшунос-педагог ва шуларга яқин мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртарларида ўқишни давом эттириш истагида юрган ўқувчилар қабул қилинади.

Аниқ фанлар йўналишига келажакда математика, информатика, механика, телекоммуникациялар, электроника, электротехника, транспорт воситаларидан фойдаланиш ва шуларга яқин мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртарларида ўқишни давом эттириш истагида юрган ўқувчилар қабул қилинади.

Табиий фанлар йўналишига келажакда даволаш иши, стоматология, педиатрия иши, биология, экология, химия, агрономия, география, гидрометеорология мутахассисликлари бўйича олий ўқув юртарларида ўқишни давом эттириш истагида юрган ўқувчилар қабул қилинади.



Хорижий филология йўналишига эса келажакда инглиз, немис ва француз тиллари, шарқ филологияси мутахассисликлари бўйича олий ўқув юртарларида ўқишни давом эттириш истагида юрган ўқувчилар қабул қилинади.

Лицей энг замонавий ўқув жиҳозлари, техник воситалар ва компьютерлар билан таъминланган, интернет тармоғига уланган. Лицейда билим, тарбияли ўқитувчилар фаолият кўрсатишяптилар.

Ўқувчилар 3 йил ўқиш давомида билим ва тарбия олиш билан бирга таржимон, кенг профилли лаборант, ЭХМ оператори, иш юритувчи сингари мутахассисликларга ҳам эга бўладилар.

Аъло баҳоларга ўқиган ўқувчилар Академик лицейни экстернат усулидан фойдаланиб 2 йилда битириш имкониятига эга.

Академик лицей ўқувчиларининг бошланғич илмий изланишлари олиб боришлари, республика ва халқаро фан анжуманларида иштирок этишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Истеъдодларга кенг йўл очилган.

Ўқувчилар танлаган ихтисосликлари бўйича ёзма кўринишдаги синовдан ўтадилар. Лицейга 9-синифни муваффақиятли тугатган иқтидорли йигит-қизлар қабул қилинади.

Лицейга ўқишга кириш учун директор номига ёзилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

1. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома



- (асли)
2. 9-синифни битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома (асли)
3. Соғлиги ҳақида тиббий маълумотнома (086 шакл)
4. 6 дона 3x4 см. ўлчамдаги сурат (иложи бўлса рангли).

**Азиз ўқувчилар!**

Ҳужжатларингизни мактабни тугатишингиз билан 1 июлгача топширингиз мумкин. Шошилинг. Лицейда ўқув-тарбиявий жараённинг сифатли кечишини таъминлаш ва энг иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш учун қабул режаси чекланган.

Лицей кичик Академиясига ўтказган сиртки олимпиада натижалари бўйича шахримиз мактабларининг иқтидорли 17 ўқувчиси муддатидан илгари лицей ўқувчиси номини олишга мўяссар бўлдилар.

Ҳужжатларни Академик лицейда яқшанбадан ташқари ҳар куни эрта-лаб 9.00дан 16.00гача топширингиз мумкин.

**Бизнинг манзилимиз:**  
Ангрен шаҳри, 5/4 даҳаси.  
Телефонлар: (8. 266) 3-05-70, 3-04-81.

# XXI asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
songi  
xabarlar



## ҲОКИМИЯТ УЧУН КУРАШЛАР

**Африка жанубидаги қатор мамлакатларда очарчилик авж олмақда. Бундан халқаро ҳам- жамият катта ташвиш билдираяпти.**



Ангола, Малави, Зимбабве, Замбия, Ботсвана, Мозамбик, Намибия ҳамда Конго демокра- тик республикасида юз берган табиий офатлар, фуқаро уруш- лари минтақада озик-овқат тан- қислигига сабаб бўлмоқда. Бу- нинг натижасида Африка жану- бида 19 миллион киши очарчи- лик билан юзма-юз қолди.

Мутахассисларнинг фикрича, Малави, Зимбабве ва Замбияда аҳвол жуда оғир. Бу мамлакатларда меъёрдан кўп ётқан ёмғир- лар тошқинларга сабаб бўлган. Натижада ўзанидан тошиб чиқ- қан дарё сувлари экин майдонларини ювиб кетди. Анголада бир неча ўн йилдан буён давом этаётган фуқаролар уруши эса юз мингдан ортиқ одам учун очарчилик хавфини тугдирмоқда.

Мутахассислар фикрича, минтақада очарчиликнинг олдини олиш учун уч миллион тонна озик-овқат керак. Шунингдек, мазкур мамлакатларда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши лозим. Чунки ҳокимият учун бўлаётган сурункали курашлар бу мамлакатларни хонавайрон қилиб бўлди.

## ЛОКЕРБИ ФОЖЕАСИ ҲАМОН КҮН ТАРТИБИДА

**1988 йили Шотландиянинг Локерби шаҳарча- си осмонида юз берган авиаҳалокат билан бо- лиқ ишга ҳали ҳам нуқта қўйилгани йўқ.**

РАТА-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, Ливия раҳбарияти ҳалокатга учраган "Пан-Америкэн" компаниясига қарашли самолёт йўловчиларининг қариндошларига 2,7 мил- лиард АҚШ доллари миқдорида товон пули тўлашга рози экан- ини тасдиқлаган.

Ливия ҳукумати расмий вакили ўз номини сир тутган ҳолда, Локерби фожеаси қурбонларининг қариндошлари билан рас- мий Триполи ўртасидаги ушбу келишув маълум шартларни кўзда тутди, деди. Яъни, қурбон бўлган ҳар бир йўловчининг оила- сига 10 миллион АҚШ долларида товон берилади. Келишувга биноан, пул босқичма-босқич бериб борилади. Яъни, 2,7 мил- лиард АҚШ долларининг 40 фоизи БМТнинг, яна 40 фоизи АҚШнинг Ливияга нисбатан жорий этилган жазолари бекор қилингандан кейин, қолган 20 фоизи эса АҚШ Ливияни терро- ризмни қўллаб-қувватлаётган давлатлар рўйхатидан учиргани- дан сўнг берилади.

## НИГОҲЛАР ЯНА МАРСДА

Марс ўз бағрида жуда катта ҳажмда сув захирасини сақла- ётган экан. Яъни, сайёра юза- сида муз билан қопланган ўн миллион квадрат километрлик майдон бор экан. Ушбу маълумот АҚШ фазо тадқиқотла- ри агентли- гининг (NASA) Pathfinder қурилмасидан олинди. У Марс атрофида айланиб, қоби- гини суратга олади ва тасвир- ларни мунтазам равишда NASAgа узатиб туради.



Ҳозир ўнлаб фазо кемалари «Қизил сайёра» атрофида ай- ланиб, назорат қилмоқда. Шу- лар қаторида тўрт ойдан буён «Марс одиссеяси» ҳам «тер- тўкмоқда». Ушбу янгилик фазо- гирларга яқин келажақда Марс- га парвоз қилиш имкониятини берса, ажаб эмас.

Масаланинг олимларни биров чўчитиб турган жиҳати ҳам бор. Аниқланишича, Марсдаги музлик шу қадар каттаки, уни ерга кел- тириб эритилса, сайёрамиз беш юз метрлик сув билан қоплана- ди.

## Шарҳловчи минбари

# ЯПОНЛАРНИНГ СЎНГГИ МЎЪЖИЗАСИ



**XXI аср компьютер асри сифатида тарихга кирди. Бу борада япон олимлари эришаётган ютуқлар соҳанинг ривожланишига катта ҳисса қўшаётгани кўпчиликка маълум. Япон олимла- ри жажжи қутичага жойлашган бу мўъжизани янада такомиллаштириш устида бир зум ҳам тўхтамаяпти.**

Йилдан йилга компьютер- нинг янги авлодлари кашф қилинмоқда. Бундан бир неча йил аввал яратилган супер- компьютерлар ҳозиргилари- нинг олдида жуда содда кўриниб қолди. Зеро, фан тараққиёти ҳаракатда.

Яқинда Япония фан ва ма- ориф вазирлиги бир сония- да 300 триллион операция бажарадиган суперкомпью- тер яратишни режалаштирган- ини эълон қилди. Ушбу ма- шина ҳозир энг кучли, деб тан олинган компьютердан ҳам ўн марта тез ишлайди. Бир сўз билан айтганда, япо- ниялик олимлар яратишни мўлжаллаётган ушбу комп- ютер суперларнинг супери бўлади.


Вазирлик раҳбари Ацуко Тоямининг айтишича, ижро жараёни беш йилга мўлжал- ланган ушбу лойиҳанинг ба- ҳоси 70 миллиард иенни таш- қил этади (550 миллион АҚШ доллари). Гап эса шаффоф талапи технология ёрдамида бир қанча суперкомпьютер- ларни бирлаштириш ҳақида бормоқда. Янги машинани

био ва нанотехнология, ярим ўтказгичларнинг учинчи авло- ди, ўта кучли хотира яратиш, генетика муҳандислиги каби соҳаларда қўллаш мўлжаллан- моқда.

Бундан аввал энг тез иш- лайдиган суперкомпьютер яратишда АҚШ қарвонбоши- лик қилар эди. Тиниб-тинчи- маган япон олимлари шу йил- нинг март ойида ер тузили- шини акс эттирувчи машина ясаб, америкаликларни орт- да қолдириб кетди. Бу маши- надан сайёрамизда об-ҳаво, ҳарорат ўзгаришлари, текто- ник ҳаракат жараёни, океан оқимларининг мавсумий ўзга- ришлари, атроф муҳитнинг ифлосланиши, довул ва зил- зила хавфининг яқинлашуви- ни моделлаштиришда фойда- ланилмоқда. Бир ой аввал эса япониялик компьютершуносл- лар бир сонияда 30 трилли- он операцияни амалга оши- радиган суперкомпьютер яра- тиб яна рекорд ўрнатди.

Сайёрамиз ўз ўқи атрофи- да айланаверар, инсоният ҳаётни янада фаровонлашти- риш учун изланишдан тўхта- мас экан, фан тараққиёти ҳам ҳаракатда бўлади. Демак, кун- далик турмушнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган компьютерларнинг янги-янги авлодлари ҳам яратилавера- ди. Хулоса шуки, беш йилдан кейин яратилиши мўлжалла- наётган, бир сонияда 300 триллион операцияни бажа- ра оладиган ақли машина ҳам кашфиётларнинг сўнги- си бўлмайди. Ажабмаски, йиллар ўтиб бу машина ҳам ўрнини бошқа, ундан-да тез ишлайдиган янгисига бўша- тиб, ўзи оддий "дастгоҳлар" қаторидан жой олса.

Саидмурод РАҲИМОВ  
(ЎзА).



Швеция.

Турфа олам

## ҒАЛАТИ ЭРМАК



Кишилар нима- ларга ишқибоз эмас. Бухарестда истиқомат қилувчи нафақахўр Михаил Чеплеуца ўзига ғалати эрмак топиб олган. Бу кекса доим сигаретани бурқситиб юради, у бундан бир неча йил олдин охира- тни ўйлаб, олдиндан тобут сотиб олиб, уни гаражда сақламоқда. У тобутга си- гареталардан бўшаган қутичаларни елим- лашни қанда қилмаяпти. Бундай ашёлар эса доим қўли остида. Бу ишини охири- га ақинлаштирмоқда. Ҳозиргача эса, де- ярли етти мингта шундай қутичани ёпиш- тириб бўлди. Михаил бу билан чеклан- маяпти. Сигарета филтрларидан ўзи- нинг тобутига қўйиш учун ёстиқ ҳам тай- ёрлади. Нафақахўр ўз ишини чекишга қарши ташвиқот деб ҳисобламоқда.

## ОРОЛНИ ИЖАРАГА ОЛАСИЗМИ, МАРҲАМАТ!

Индонезияни ороллар мамлақати деб, бежиз ай- тишмайди. У уммон ва денгизларда ёйилиб ётган сон-саноксиз шун- дай ҳудудлардан таркиб топган. Уларнинг кўпчили- гини инсонлар яшамай- ди, шу вақтгача дастлаб- ки яратилган ҳолатда ётипти. Мамлакат ҳукума- ти уларни даромад манбаига айлантириш пайига тушди. Шу мақсадда оролларнинг ўн мингтасини ижарага бериш тараддуида. Уларни маҳаллий ва хорижлик сармоядор- лар бемалол харид қилишлари мумкин. Бу оролларда саёҳат, балиқчиликни йўлга қўйиш, шунингдек турли хил сув спорти турларини уюштириш имкони мўл. Ҳозир орол- ларда энергиянинг ва экологияни яхшилашнинг ўхшаш манбаларини излаш бошлаб юборилди. Ижара муддати 35 йилгача бўлади. Битта кичик оролнинг ижара ҳақи тахминан йилга бир миллион дол- лар туради.

(ҲАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

## ИНФАРКТДАН КЕЙИН КИМ УЗОҚ ЯШАЙДИ

Тўққизта мамлакатда олиб борилган тадқиқот- лар натижаси шуни кўрсатдики, инфарктдан кейин ҳаммадан кўпроқ менеджерлар яшар экан. Улардан кейин эса юксак малакали ишчилар, про- фессорлар ва бошқа олий маълумотли фуқаролар турармиш. Уй-рўзгор иш- лари билан шуғулланувчи аёлларнинг инфарктдан кейин бир йил давомида вафот этиш хавфи тўрт баравар кўп экан.

Россия, Италия, Швеция ва Буюк Британияда бунга боғлиқлик АҚШ, Австралия ва Польшада- гига нисбатан кўпроқлиги маълум бўлди. Олиб борилган тадқиқотлар сўқхабошлик юрак хаста- ликларидан вафот этиш хавфини кучайтирмасли- гини кўрсатди.



Турфа олам

**Ибратнома**

# Оқиллона ҳукм

Араб халифаси мўътабар бир одамнинг мансабини кўтармоқчи бўлди. Уни бир шаҳар ҳоқими этиб тайинлашга фармон берди. Халифа котиби фармонни ёзиш билан машғул эди. Шу чоғда бир ёш гўдак келиб, халифанинг тиззасига чиқиб олди. Халифа уни ўпиб эркалади, бош-кўзидан силаб, тиззасидан туширмай олиб ўтирди.

Ҳоким бўладиган киши ҳам халифа ҳузурда эди. Болани бунча эркалатишини кўриб, халифадан:

— Бу гўдак ўз ўғлингими? — деб сўради.

Халифа унга:

— Йўқ, бу гўдак менинг болам эмас, бир камбағал одамнинг боласи, ота-онаси вафот қилди. Болани ўз химоямга олдим. Ўз болам қаторида ўстираяпман. Етимлиги биланмасин деб, доим унинг кўнглини кўтариб, ўйлатиб ўтираман, — деди.

Бояги киши бу сўзни эшитиб,

халифанинг мулоим қалбли, шафқатли, марҳаматли эканига ҳайрон бўлиб деди:

— Менинг ўнта фарзандим бор. Бошқаларнинг болалари у ёқда турсин, ҳатто ўз болаларимга ҳам тишимнинг оқини кўрсатмайман. Болаларим менинг ёнимда зириллаб, қўқиб турадилар. Сизнинг бир бегона етим болага бунча шафқат, марҳамат кўрсатаётганингиздан таажубланаяпман.

Халифа ҳоким бўладиган кишининг сўзларини эшитиб, афсус-надомат билан бошини чайқабди ва ёзилаётган ёрлик қоғозини хотибнинг қўлидан олиб, йиртиб ташлабди. Ҳузурда турганларнинг ҳайронликларини кўриб:

— Бу одамни ҳоким қилиб тайинлашни истамайман, ўз болаларига шу қадар тошқунгиллик билан муомала қиладурган кишидан элу юртга қандай манфаат етади?! — деган экан.

# Гўзал тадбир

Бир шоир баъзи хотинлар устидан қилиб шеър ёзганди. Подшоҳ саройидаги хонимлар, вазир, ҳоким ва бойларнинг хотинлари буни тўғри тушунмай, жуда ҳам аччиғланиб, ўз кўллари билан у бечора шоирга жаза бермоқчи бўлдилар. Бу ниятларини подшоҳга аруз ҳол қилиб, шоирни дарҳол саройга келтиришни талаб қилдилар.

Подшоҳ уларни арзини қабул қилиб шоирни зудлик билан ўз ҳузурига келтирди. Уни ечинтиришни буюрди ва кўлига бир таёқ олиб хотинларга:

— Шоирни мана шу таёқ билан уриб ҳоҳлаганингизча ўч олишингиз мумкин. Фақат бир шартим бор, орангизда ким энг хунук, бадбашара бўлса, аввал

ўша хотин таёқ билан уриб, ўч олишни бошлаб бериши керак, — деди.

Орадан анча вақт ўтса ҳамки, хотинлардан чурқ этган товуш чиқмасмиш. Биронта хотин ҳам хунук, бадбашара деган номга эга бўлишни истамасди-да.

Шунда подшоҳ айёрона табассум билан шоирга:

— Ҳеч бир хотин биринчи бўлиб сенга кўл кўтариб, ўзини хунук деб кўрсатишни ҳоҳламайди, — деди. — Тур энди, кийимларингга кийиб ўйингга кетавер, сенга жавоб, — деб шоирни жўнатиб юборди.

Шундай қилиб, подшоҳ гўзал тадбир соясига шоирни хотинлар ҳужумидан қутқазган экан.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА** тайёрлади.

## ЭЛЧИХОНАДА МУСАВВИР КЎРГАЗМАСИ

**Америка Қўшма Штатларининг Тошкентдаги элчихонасида Ўзбекистон санъат арбоби, rassom Шўхрат Абдумаликов асарларининг кўргазмаси очилди.**

Элчихонанинг маданият ва маърифат бўлими томонидан ташкил этилган кўргазмага мўйқалам соҳибининг ўндан ортик асарлари кўйилди.

— Шўхрат Абдумаликов кўп қиррали ижодкор, — деди АҚШ элчисининг маданий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси Марк Асқуню кўргазма очилишида. — У rassom, декоратор ва дизайнер. Лекин биламизки,

унинг ижодидаги ушбу йўналишларнинг бири иккинчисини асло икор этмайди. Аксинча ўзига хос бир уйғунликни юзага келтирадими, кўргазмани томоша қилгач, ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз.

Кўргазмага rassomнинг турли йилларда яратилган «Юсуф ва унинг укалари», «Рахшона», «Масхарабознинг парвози» асарлари кўйилган.

«Туркистон-пресс».

### Bolalik bog'i

# ONAMGA

*Osmon to'lar yoniq yulduzga,  
Onajonim shodon kulsalar.  
Osmon to'lar oq kaptarlarga,  
Tinchlik deya javlon ursalar.*

*Ey tomo havo, bobo quyosh,  
Sen zamin borliqning yuragi  
Hech to'ymaysan ona dunyo yosh,  
Tinchlik onalarning tilagi.*

**Abdusamad YUNUSOV.**



Унда мамлакатимиз, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг ўттизга яқин номдор спортчиси жаҳон кубогининг финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини берадиган ягона йўлланма учун кураш олиб бормоқдалар.

Мусобақанинг биринчи босқичи апрелда Қирғизистонда, иккинчиси май ойида Қозоғистонда ўтказилган эди. Ҳозирча икки босқич якунига кўра Қозоғистон ва Қирғизистон чавандозлари етакчилик қилмоқда. Учинчи ўринда бораётган ҳамюртимиз Файрат Назаров ягона йўлланмани қўлга киритиш учун яхши имкониятга эгадир.

## ЖАҲОН КУБОГИ БОСҚИЧИ

**Шу кунларда Тошкентдаги "Жокей" хусусий от спорти клубида спортнинг шу тури бўйича жаҳон кубогининг учинчи босқичи ўтказилмоқда.**

ЎЗА.

## КАТАКЛАР УЗРА БАҲС



**Тошкент туманида вояга етмаган ўсмирлар ўртасида спартакиада бўлиб ўтди. Унда туман мактаблари ўқувчилари спортнинг шахмат-шашка ва теннис турлари бўйича куч синашдилар.**

Мусобақаларда 31-мактаб спорт жамоаси ҳар тарафлама устун эканлигини намойиш этиб, голибликни қўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар 9- ва 35-мактабларнинг ёш спортчиларига насиб этди.

Спартакиада пешқадамлари ва қатнашчилари эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз.

## ТАНАФУСДАН КЕЙИНГИ ГАЛАБА

**«Дўстлик» ўйинчилари руҳини кўтариб, жамоанинг аввалги мавқеини тиклашига туртки бўлса, кўп минг сонли мухлисларнинг орзулари ушаларди**

Ўзбекистон XI миллий чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари ўн биринчи тур учрашувларини ўтказдилар. Вилотимизнинг «Дўстлик» жамоаси ўз майдонида «Сугдиёна» билан баҳс юритди. Дастлаб меҳмонлар 1:0 ҳисобида олдинга чиқиб олдилар. 67-дақиқада Мухтор Қурбонов жавоб тўпини кирит-

ди. 85-дақиқада эса Николай Моисеев меҳмонлар дарвозасига иккинчи тўпни йўллаб, ҳисобни 2:1 етказди. Бу муҳим галабадан сўнг «Дўстлик» очколарини 15 тага етказиб, саккизинчи ўринга кўтарилиб олди.

Бекободнинг «Металлург» жамоаси ҳам ўз майдонида «Машвал» билан баҳс юритди. Учрашувда дарвозалар даҳлсизлиги сақ-

ланиб қолди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

- «Кизилқум» — «Трактор» 3:0;
- «Нефтчи» — «Самарқанд-Д» 3:0;
- «Насаф» — «Зарафшон» 2:3;
- «Анджон» — «Навбахор» 2:0;
- «Кўкөн-1912» — «Пахтакор» 1:3;
- «Сурхон» — «Бухоро» 0:2.

Навбатдаги 12-тур учрашувлари бугун ўтказилади. «Металлург» Тошкентда «Трактор» билан баҳс юритади. «Дўстлик» эса, Навоийда «Зарафшон»га қарши майдонга тушади.



## ЗИДАН ЯНА МАЙДОНГА ТУШМАДИ

**Бу Франция терма жамоасини яна икки очкодан маҳрум этди. Энди нима бўлади?**

Осиёликларнинг голибона юришларини Жанубий Корея футболчилари бошлаб беришди. Улар Польша билан ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан тезкор ҳаракат ва чиройли ўйин кўрсатиб, биринчи бўлимдаёқ 1:0 ҳисобида олдинга чиқиб олдилар.

Танафусдан сўнг ҳам корейлик футболчилар ташаббусни қўлдан бермай ҳисобни 2:0 га етказдилар. Осиё китъаси вакиллари бу галабадан сўнг 3 очко билан гуруҳда пешқадам бўлиб олдилар. Португалиялик футболчиларни 3:2 ҳисобида мағлуб этиб, муҳим уч очкони қўлга киритган АҚШ

футболчилари ҳам пешқадамлар сафидан жой олдилар. 10 июнда ана шу икки пешқадам Жанубий Корея ва АҚШ футболчилари ўртасидаги учрашувдан сўнг гуруҳ пешқадами маълум бўлади.

Чемпионатнинг иккинчи мезбони Япония футболчилари ҳам ўз мухлислари олдида чиройли ўйин кўрсатдилар. Учрашувда дастлаб белгиялик футболчилар майдон эгалари дарвозасини ишғол этишга эришдилар. Шундан сўнг майдон эгалари ҳужумга зўр бердилар ва ҳисоб тенглашди. Сўнгра меҳмонлар дарвозасига иккинчи тўпни киритиб 2:1 ҳисобида олдинга чиқиб олдилар. Белгияликлар сўнгги да-

қиқаларда жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилдилар. Қизиқарли учрашув 2:2 ҳисобида жанговар дуранг билан якунланди.

Жаҳон чемпионатининг иккинчи тури Германия-Ирландия учрашуви билан бошланди. Кескин курашлар остида ўтган ўйинда дастлаб германияликлар ҳисобни очишди. Ирландияликлар ҳакам томонидан қўшиб берилган сўнгги дақиқада ҳисобни тенглаштирдилар.

«А» гуруҳи пешқадамлари Дания-Сенегал учрашувида данияликлар 11 метрлик жари-ма тўпини йўллаб 1:0 ҳисобида олдинга чиқиб олдилар. Бироқ ўйин 1:1 ҳисобида якунланди. Ҳар икки жамоа тўрттадан очко тўплаб пешқадамлик қилмоқдалар. Бу гуруҳдаги иккинчи учрашув Франция ва Уругвай футболчилари ўртасида бўлиб ўтди. Учрашув 0:0 ҳисобида якунланди.

Тальят ЮСУПОВ.

### Бекажон

#### ЁНФОКЛИ ПИРОГ

Бу хилдаги пирогни тайёрлаш учун 1,5 стакан шакар, 4 ош қошиқ асал, 1 чой қошиқ истеъмол содаси, 3 ош қошиқ сариеғ, 1 ош қошиқ какао, 2 стакан сут, 600 г. ун, озроқ долчин (карица) керак.

Илик сутга шакар, эритилган асал, юмшатишган сариеғ,

истеъмол содаси, ун, какао ва долчин солиб, бир хил масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Тайёр хамирни нон талқони солинган духовка патнисига ёки махсус қолипга солиб, ўртача оловда пиширилади. Пирог совигач, қанд упаси сепиб, дастурхонга тортилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА, қандолатчи.

Акмал Икромов туманидаги «Иза» мавзесидаги 9 қаватли уйнинг 2-қаватида жойлашган 3 хонали квартира

**СОТИЛАДИ.**

**Телефон:** 170-69-95.

**Мўлжал:** «Карвонбозор» ҳамда «Отчопар» буюм бозор оралиги. 69-автобуснинг охириги бекати.



**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
ТОШКЕНТДАГИ  
ТАШКЕНТДАГИ

**Муассис**  
**ТОШКЕНТ**  
**ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Фатҳиддин**  
**МУҲИДДИНОВ**

**Телефонлар:**  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-40-48, 136-57-27.

**Манзилими:**  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
таҳририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда да-  
лилларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.